

“АВЕСТО”ДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ МУАММОЛАРИ

Соҳибназар Каримов

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори,

фалсафа фанлари доктори

<https://orcid.org/0009-0002-2039-4520>

e-mail: karimovs55@gmail.com

UDK: 94(575.1)

“Авесто”, яъни “Ҳаёт йўриқномаси” деб аталган бу муаззам, нодир китоб айни замонда бу қадим ўлкада, бугун биз яшаб турган тунроқда буюк давлат, буюк маданият, буюк маънавият бўлганидан гувоҳлик берувчи бебаҳо тарихий ҳужжат бўлиб, минг йиллар, асрлар давомида авлод аجدодларимиз учун маънавий-руҳий таянч, куч-қудрат манбаи бўлиб келган.

Ислом Каримов

Аннотация: Мазкур мақолада инсоният тарихида буюк маънавий ҳодиса бўлган “Авесто” ўзининг буюк таълимоти билан умуминсоний қадрият ва тамаддуни манбаи бўлиб хизмат қилиб келди. Бу улкан тафаккур бойлигидан баҳраманд бўлиш, уни ўрганиш ва унинг кўпгина ғоялари ҳозирги кунга келиб миллий қадрият даражасига етганлигини тушуниш ва ёш авлодга етказиш долзарб масаладир. “Авесто”да таълим-тарбия ва устоз шогирдлик анъаналари ривожланганлигини, таълим жараёнида асосан кундалик ҳаёт учун зарар бўлган барча билимлар ўқитилишини, ҳунарлар ўргатилишида ёшларнинг маънавий камолотига ҳам алоҳида эътибор берилишини кўрсатади.

Калит сўзлар: таълим-тарбия, ақлу фаросат, устоз шогирдлик анъаналари, ҳақиқат илми, дин илми, ҳарбий таълим, диний тарбия, ахлоқий тарбия, ҳалол меҳнат, донишманд устоз, миллий қадрият, дунёни англаш.

Аннотация: В данной статье рассматривается великий духовный феномен в истории человечества – Авеста, которая благодаря своим великим учениям послужила источником универсальных ценностей и цивилизации. Актуальной задачей является освоение этого богатого наследия, его изучение, понимание того, что многие его идеи дошли до уровня национальных ценностей и по сей день, а

также передача его молодому поколению. В статье показано, что традиции образования, воспитания и ученичества развивались в Авесте, что все полезные для повседневной жизни знания передаются в процессе обучения, и что особое внимание уделяется духовному развитию молодежи в процессе обучения ремеслам.

Ключевые слова: образование, мудрость, традиции ученичества учителей, наука истины, наука религии, военное образование, религиозное образование, нравственное воспитание, честный труд, мудрый учитель, национальная ценность, понимание мира.

Abstract: This article discusses the great spiritual phenomenon in the history of mankind, the Avesta, which has served as a source of universal values and civilization with its great teachings. It is an urgent issue to enjoy this great wealth of thought, to study it, to understand that many of its ideas have reached the level of national values to this day, and to convey it to the younger generation. It shows that the traditions of education and upbringing and discipleship were developed in the Avesta, that all knowledge that is useful for everyday life is taught in the educational process, and that special attention is paid to the spiritual development of young people in the teaching of crafts.

Key words: education, wisdom, traditions of teacher discipleship, science of truth, science

of religion, military education, religious education, moral education, honest work, wise teacher, national value, understanding of the world.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION). “Авесто”да таълим-тарбия ва устоз талқини ўзига хос тарзда жуда мазмунли ва қизиқарли баён қилинган. “Авесто”нинг “Биндахшин” фаслларида баён қилинган фикрлар қадим даврларданок ҳозирги Мовароуннаҳр ва Хуросон халқлари орасида таълим-тарбия ва устоз шогирдлик анъаналари ривожланганлигини кўрсатади.

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). Зардуштийликда таълим тизими асосини ҳақиқат илми ва дин илми ташкил қилган. “Ҳақиқатда энг эзгу таълим ростлик илми ва дин огоҳликдир”, дейилади Яснанинг 32 –Ҳотида. (“Авесто”, 14-бет). Бунинг асосий шарти “Ҳар ким бу дунёда тирикликни бунёд этувчи қонун бўлган Ашаҳ-Ҳақиқат таълимоти асосида яшаши лозим. Демак, таълим тизими ҳақиқат таълимотини ўрганишга бўйсундирилган бўлиши шарт бўлган. Чунки Ашаҳ-Ҳақиқат инсонларнинг илк устози бўлган. Бу ҳақда Яснанинг 47-Ҳотида шундай дейилади:”Бас, доно одамлар учун энг мақбул тарбия яхшиликларнинг отаси бўлган Ахурани Ашаҳ-Ҳақиқат сиймосида ўрганмоқдир, танимоқдир...”

Тафаккур аҳли, донолар, сенинг розларинг сирини ўрганувчи шогирдлар хирад ва Эзгу Ният партавида сенинг ошиғинг, мухлисинг ва муҳибинг бўлғуси”. “Авесто” 26-бет).

Зеро, Яснанинг 51-Ҳотида ёзилишича, “Сен Ашаҳ-Ҳақиқат сўзи ва Эзгу Ният таълимоти билан уларга илк мураббий, устозсан!”, дейилади. (“Авесто” 29-бет). Инсон эса ўз навбатида билим, сўз, амал ва дини билан Ашаҳ-Ҳақиқатга куч-қувват бахш этади.

Таълим жараёнида асосан кундалик ҳаёт учун зарар бўлган барча билимлар ўқитилган, ҳунарлар ўргатилган. Жумладан, чорвачилик билан шуғулланадиган қавмларда кўпроқ шу соҳага доир ҳунар ва

малакалар ўргатилган: қиз болаларга юнгдан ип йигириш, урчуқ ва чархда ишлай билиш, ҳар хил либослар тўқиш, тикиш, юнг олишни билиш шарт бўлса, ўғил болалар эса молларни боқиш, урчитиш ва туғдириш, туя, отларни парваришлаб, уларни бошқара олиш, узоқ яйловларга сурув ҳайдаш, чорвани дарранда ҳайвонлар, қароқчилардан муҳофаза қилиш, ўттиз икки ҳарбий ҳунарни билишлари мажбурий бўлган. Анашу малакалар ҳосил бўлгач, қиз болалар 15, ўғил болалар 17 ёшида “лагомзадан” (отга сувлиқ солиш) ва “зин задан” (отни эгарлаш) имтихонидан ўтган ҳамда “камарбастан” одатига қатъий амал қилган. Натижада улар балоғат ёшига етган, рўзғор юритишни ўрганиб, “кадбону” (уй бекаси), “кад худо” (уй хожаси, оила бошлиғи) бўлиш, чўпон чўлиғини олиб, от суриб, туя миниб юриш ҳукукини қўлга киритишган. Алоҳида иқтидорли йигитлар эса, чавандозликка махсус тайёрланган, ҳарбий машқларда иштирок этган. Бунда қавм оқсоқоллари ҳар бир йигитни ота касбидан ташқари ҳарбий билимлар, чавандозлик, кураш тушиш “кўҳнавардлик” (ҳар хил тўсиқларни баландликларни ошиб ўтиш) бўйича имтихондан ўтказишган. Кўриниб турибдики, ҳарбий таълимга алоҳида эътибор берилган. Дарҳақиқат, “Авесто”да 50 дан зиёд ҳарбий қуроллар жумладан, қалъа деворларини тешиб, бузишда ишлатиладиган, улкан тошларни отадиган палахмон, манжаниқ, совут остидан кийиладиган мисдан тўқилган юпка камзуллар ҳам тилга олинган.

Зардуштлик дини якка Тангрига эътиқод қилишга даъват қилиб расмий динга айлана бошлаши билан таълим-тарбияга эътибор кучайган. Ибодатхона – оташкадалар ҳузурида подшолик тасарруфидаги махсус мактаблар очилади, мадраса типигаги билим даргоҳлари ташкил қилинади, уларнинг таълим тизими ишлаб чиқиладиган, таълим жараёнига энди математика, астрономия, тиб билими, тарих, ҳуқуқшунослик, гигиена сингари фанлар тобора кўпроқ кириб боради. Бунда ёшларнинг маънавий камолотига ҳам алоҳида эътибор берилади. Бир томондан,

уларга зардуштийлик дини асослари, Ахурамазданинг фарзлари, Зардушт ўғитлари ҳар жиҳатдан пухта ўқитилиб, каломи бадеъ асосларга суянган ҳолда “хот”лар махсус ёдлантирилса, иккинчи томондан, уч яхши ишдан сусткашлик қилмаслик кори нек, гуфтори нек, кирдори некни ҳақмига эсда тутиш, уч ёмон ишдан, яъни кори бад, гуфтори бад ва кирдори баддан юз ўгиришни куймақулоқ қилиб ўргатилган. Таълим тизимидаги бу ўзгариш ўз навбатида янги “сидрапўшлик” удумини жорий қилинишини тақозо этган. Ахурамазда томонидан жорий этилган фарзлар ҳамда Зардушт ўғитларидаги суннатларни тўла бажарадиган, ҳар жиҳатдан пок, юксак ахлоқлилик меъёрларини ўзида намоён этган, устоз фотиҳасини олган диндор оқ матодан чакмон, кўйлак кийиб, устидан юпка ҳарир камар боғлаб юриши жорий этилади. Бу одат яқин XIII аср давом этган.

“Авесто”дан келтирилган юқоридаги далиллар шуни кўрсатадики, зардуштийлик дини пайдо бўлган дастлабки пайтларданок оташкада - ибодатхоналар қошида мактаблар ташкил этилиб, коҳинлар томонидан болаларнинг таълим - тарбияси тизими ишлаб чиқилган. Уларнинг таълим-тарбия тизими қўйидаги тартибда амалга оширилган:

- а) диний ва ахлоқий тарбия;
- б) жисмоний тарбия;
- в) ўқиш ва ёзишга ўргатиш.

Болаларга диний тарбия бериш, асосан, 7 ёшдан бошланган; ўғил болалар 7 ёшга тўлганда, уларга оқ ипакдан тикилган “муқаддас кўйлак” кийдириш маросимини жамоа оқсоқоли, коҳинлар, ота-оналар иштирокида ўтказиш расм бўлган. Шу тариқа таълим тизимида устозу муаллимлар ҳамда ўқувчилар ҳам оқ ипак матодан тикилган чакмон кўйлак кийиб, устидан 72 хил рангдаги ҳарир ипакдан тўқилган белбоғ билан белларини боғлаб юришлари шарт бўлган. Қиш пайтларида ҳам асосий либос устидан “сидра”, яъни ўша кийимни кийиш одат тусига кирган. Ўғил болалар бундай “муқаддас кўйлак” ёки “сидрапўшлик” удумини бажариш

маросими пайтида коҳин устоз-муаллим билан бир сафда бўлганлар.

Куёшга қараб сажда қилиб туришган. Коҳин муаллимга қўшилиб болалар ҳам муқаддас “Авесто”дан эзгулик ва яхшилик маъбудасига мададкор кучларни улуғловчи қасамёдларни такрорлашган: “мен зардуштийлик динига содиқ бўлишга тантанали ваъда бераман, мен яхши фикрлар, яхши сўзлар, яхши ишларга ишонаман”. (Қаранг: Антология педагогической мысли Азербайджанской ССР. М., “Педагогика”, 1939, с.10).

Зардуштийлик маросими машғулотларидан сўнг эса болаларга совғалар улашилган. Бундай машғулотлар бир кунда Куёш чарақлаб турган вақтда беш марта ўтказилган. Машғулотларни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — болалар қалбида ёшликдан дунёдаги барча яхшилик ва эзгуликларнинг бунёдкори, Олий тангри Ахура - Маздага эътиқодни мустаҳкамлаш, инсонлар бошига жамики ёмонликлар ва ёвузликларни солувчи Ахура-Ману (Ахриман)дан нафратланиш ҳиссини тарбиялашдан иборат бўлган. Зардушт эса, “муаллим - коҳинларнинг бурчлари болаларга илмларни яхшилик йўсини ила ўргатиб, яхши билан ёмонни ажрата оладиган қилиш, тўғри йўлга ҳидоят этишдир. Кимда-ким, ақлу фаросат билан ёмонликка қарши курашса, у Ахура-Мазда йўлини тутган бўлади”, - дейди.

“Авесто”да ҳар бир зардуштийни пок ниятли, хулқи ҳалол, қўли тўғри некбин бўлиб вояга етказилиши кўзда тутилган. Ана шу эҳтиёж ва талаблардан келиб чиқиб, “Авесто”да тарбиячилар, муаллимлар, устоду мударрисларнинг бурчлари белгиланган, улар зиммасига жамиятнинг энг муҳим юки топширилганлиги қайта-қайта уқтирилган. Натижада муаллим ва мударрислар ўз илмини нечоғлик ўзлаштирганлиги, касбига муносабати, чечан, уддабурон, фидойилиги, танбал, бефарқ ва масъулиятсизлигига қараб “яхши” ва “ёмон” устозлар ажратиб изоҳланган, баҳо берилган. (Қаранг: Ҳ.Ҳомидий Авестодан Шоҳномага, 69-бет).

“Авесто”нинг Ясна китобининг 32 –

Хотида ёмон устозлар ҳақида шундай дейилади: “Ёмон тарбиячи ўз таълими билан илоҳий сўзларни тескари қилади ва тириклик идрокини хароб айлайди”.

Ҳақиқатда, у одамларни ростликнинг бебаҳо сармоясидан ва Эзгу Ниятдан баҳрасиз айлайди”. (“Авесто”, 14-бет)

Ёмон устозлар ҳақидаги фикрларни яна чуқурлаштириб, “Ҳақиқатда, у куёш ва заминни икки кўз билан кўрмоқни баттарин гуноҳ деб билади. У илоҳий каломни тескари англаган кимсадир.

У доноларни каззоб дурвандлар анжуманига бошлайди.

У экинзорларни пайҳон қилади.

У ҳақиқатпараст ашаванларга ярок ўқталади.

Ҳақиқатда, ўшалар тирикликни тубанликка итариб ташлашади. Улар каззоб дурвандларни улуғ санаб, кўкларга кўтарадилар. Аёл ва эрларни илоҳий каломлардан баҳрасиз қиладилар... Улар ҳақиқат йўлидаги ашаванларга ғов бўладилар.

Улар бу таълимотлари билан инсонларни энг солиҳ амаллардан ман этадилар.

Улар одамлар аҳли тириклигини ўзларининг адаштирувчи ҳукмлари билан паришон этадилар... (“Авесто” 14-бет).

Зардушт ёмон устозларнинг жамият учун келтираётган зарарларини даҳшатли оқибатларини сезади ва олий Илоҳ Ахурага шундай мурожаат қилади:”- Эй, Ахура! Сендан ўтинам, ҳақиқат билан жавоб бер:Қай бир устоз ёруғлик ва зулумотни яратди! Қай бир устоз уйку ва бедорликни яратди!...” (“Авесто” 20-бет).

Зардушт халқ олдида чиқишларида инсонларни ҳар доим ёмон тарбиячилардан огоҳ бўлишга чақиради. Яснанинг, 45-Ҳотида шундай дейилади: “Нутқ ирод қиламан: Эй, илм олмоқ ниятида узоқ-яқиндан келган инсонлар!...Ёмон тарбиячи ҳеч қачон ҳаётингизни тубанлаштирмасин, девпараст дурувандлар аврагувчи тил билан сизларни гумроҳ қилмасин...-

-На ният, на таълим, на хирад, на ишонч, на амал, на дин ва на руҳимиз,-бу икки олам-ҳеч қачон бирлаша олмайдилар”. (“Авесто” 22-бет).

“Авесто”да устозлар ҳақида гап кетганда, “устодлар устои”, “барча билим ва хура калити” Яздон мадҳ этилади. Зардушт эса барча пок ниятли одамларга Яздон буюрган илмларни “яхшилик йўсини ила ўргатиб , уларни яхши билан ёмонни ажрата оладиган қилади, уларни тўғри йўлга ҳидоят этади” дейилади.

Устозларнинг ижтимоий масъулиятини англаган Зардушт олий илоҳ Маздага мурожаат қилади ва Яснанинг 51-Ҳотида “Тарбия қилгувчиларинг учун аталган поёнсиз меҳр-муҳаббатингни ато айла”, дейди. (“Авесто” 29-бет).

Яхши устозлар “соғлом ақл-хушли фарзандларни, жасур, доно ва турли тилларни биладиган ўғил-қизларни, элни бало-казолардан ҳимоя эта оладиган ўғлонларни, яхши келажак, порлоқ ҳаётни равшан кўз билан кўра оладиган авлодни” тарбиялайди. У ёшлар қалбида ўз дини, халқи, юртига меҳр уйғотади, уларни ҳалол меҳнат эвазига ризқу рўза топиб яшашга ўргатади, некбинлик, покдомонлик, дўстлигу ҳамкорлик ҳамжиҳатлигу, хушравобинлик, одамларга фақат яхшилик ишташ ўқувчиларга донишманд устозлардан юқади, ёдгорлик бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам “Авесто”да устозларни маънавият дарғалари сифатида мадҳ этилган. “Шаҳару қишлоқларда, қолаверса, бутун мамлакатда халққа маънавиятдан таълим берадиган муаллимларни Оша йўлини тутганлари учун, ҳар бир хонадонга янги дин аҳкомларини олиб кириб, эл ардоғига соҳиб бўлганликлари учун мадҳ этамиз, олқишлаймиз”. Ҳатто ота-оналар Яздондан билимли, ўқимишли фарзанд ато этишни илтижо қиладилар. “Менга хонадоним, қишлоғим, шаҳару мамлакатим шуҳратини дунёга кўз-кўз қиладиган, ўқимишли, ишбилармон ўғлон бер”, дейилади хотлардан бирида.

“Авесто”нинг “Бундақшин” китобининг алоҳида бобларида ўша даврларда таълим тизимининг шаклланиши ва унинг давлат сиёсати даражасида қаралганлиги ҳақида қизиқарли маълумотлар бор. Дарҳақиқат, унинг бандларида “Донишманднинг ўз фарзандига насихати”, “Устоз

(муаллим)нинг биринчи синф ўқувчисига панди”, “Солномашунослик хусусида” каби қисмларида ёш авлод тарбияси, камолоти олдида ота-она, жамоа, кўни-қўшни, муаллимларнинг бурч ҳамда вазифалари, ўқувчининг мактаб, кўчада, устоз, ота-она, кексалар, катталар хузурида ўзини тутиши, қоидаю йўсинлари бирма-бир санаб ўтилиб, унга риоя қилиш низомлари кўрсатилган. “Кичикликда билим олсанг, йигит бўлгач, бошинг эгилмайди, дейилади унда; мактабда ўтириш, қалам, дафтарга қандай муносабатда бўлиш, дасмол-сочик, тиш ювгич (мисвок)ни қандай асраш, турмуш озодалиги, шахсий покизалик қоидалари баён этилган. (Қаранг: Ҳамиджон Ҳомидий. Авестодан Шохномага. 149-бет).

“Авесто”да ҳар бир некбин одам бирон касб билан шуғулланиши, банд бўлиши, “ақл ишлатиб” “икки қўллаб ерга ишлов бериб,” “чорва парваришлаб”, “бирон дастгоҳни юргизиб”, “бирон олоти кор” ёки “олоти ҳарба ясаб” кун чекинмоғи, беғараз ризку-рўз топиб емоғи, бировларга муҳтож бўлиб, “қўл узатиб тиланчилик қилмоқдан”

асранмоғи даркор. Ана шу ақида тақозоси ўлароқ таълимнинг амалиёт билан боғлиқ олиб боришига алоҳида эътибор беришган. Оташқадалар қошидаги устахоналар, вақф ерлари, дармонгоҳ (поликлиника), сихатгоҳ (касалхона), дорихоналар айни пайтда амалиёт ўтказиладиган корхоналар вазифасини ҳам ўтаган. Ҳар бир табиб, жумладан, жарроҳ ўз малакасини уч маротаба аниқ синовдан ўтказмасдан туриб, касални даволашга киришмаслиги ҳақидаги талаб шу умумий тартибдан келиб чиққан қарордир. Яхши устоз ва мударрислар ҳамиша ана шу тартибга риоя қилишган.

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, “Авесто”да таълим-тарбия ва устоз шогирдлик анъаналари ривожланишида, таълим жараёнида асосан кундалик ҳаёт учун зарар бўлган барча билимлар ўқитилиши зарурлиги, ҳунарлар ўргатилишида ёшларнинг маънавий камолотига ҳам алоҳида эътибор берилишини кўрсатади.

АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES):

1. Бертельс Е.Э. Отрывки из “Авесты». Восток. Кн. 4-М.-Л., 1924.
2. Бобоев Ҳ., Дўстжонов Т., Ҳасанов С. “Авесто”-шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги. ТМИ, Т.: 2004.
3. Жўраев Н. “Авесто” мўжизаси. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Т.: 2013.
4. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
5. Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб.-Т.: 1964.
6. Ҳомидий. Ҳ. Авестодан Шохномага. Т.:”Шарқ”, 2007.